

# “Орол артемия саноат” давлат унитар корхонаси ташкил этилади

“Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туман ҳокимлиги ҳузурида “Орол артемия саноат” давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори (438-сон, 11.06.2020 йил) қабул қилинди.

Image not found or type unknown



## Унга кўра:

Мўйноқ туманида артемия цистасини овлаш ва қайта ишлар тармоғини такомиллаштириш ҳамда юқори сифатли артемия цистаси маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада ошириш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузурида “Орол артемия саноат” ДУК ташкил этилади.

## Унинг асосий вазифалари:

- Орол денгизидаги артемия цистаси ресурсларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оқилона фойдаланиш;
- Артемия цистасини овлаш ва қайта ишлашни комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, ушбу соҳада илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт фаолиятини юритиш;
- Артемия цистасининг табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни овлаш ва қайта ишлаш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;
- Артемия цистасини овлаш ҳамда уни қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этишда илғор технологияларни жорий этиш.

Мазкур меъёрий ҳужжатга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши “Орол артемия саноат” ДУКнинг **муассиси** ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу қарор билан “Орол артемия саноат” ДУКнинг **тузилмаси** ҳам

тасдиқланди.

“Орол артемия саноат” ДУКнинг **устави** эса бир ой муддатда ишлаб чиқилади.